

20-May, 2025-yil

МУТАХАССИС ТОМОНИДАН ХОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТАКТИКАСИ.

Хусанов Анвар Джумабаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, “Криминалистик экспертизалар”
кафедраси бошлиғи юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd), доцент

Тохиржонов Жавлонбек Жамшид ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тушинчаси ва мазмуни, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш айнан ким томонидан ўтказиш лозимлиги ва мутахассис томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларнинг кетмакетлиги тўрисида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тушинчаси, катнашиладиган субъектлар, ходиса жойини кўздан кечириш тартиби.

ТАКТИКА ОСМОТРА МЕСТА ПРОИСШЕСТВИЯ ЭКСПЕРТОМ.

Анотация: В данной статье говорится о понятии и содержании осмотра места происшествия, кто должен проводить осмотр места происшествия, а также последовательность действий, выполняемых специалистом.

Ключевые слова: Понятие осмотра места происшествия, участвующие в нем субъекты, порядок осмотра места происшествия.

TACTICS OF CRIME SCENE INSPECTION BY AN EXPERT.

Annotation: This article discusses the concept and content of the crime scene inspection, who should conduct the crime scene inspection, and the sequence of actions performed by the specialist.

Key words: The concept of inspection of the scene of the incident, the subjects involved in it, the procedure for inspection of the scene of the incident.

Хозирда, жиноятчилик кескин ошиб бормоқда. Бу жиноятларни аниқлаш ва олдини олиш учун терговга қадар текширув ва тергов ҳаракатларига алоҳида этибор қаратилмоқда. Бу ҳаракатлар орасида ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш алоҳида ўрин тутади. Ходиса жойини кўздан кечириш - жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ходиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида ўтказиладиган тергов ҳаракати ҳисобланади.[1]

Ходиса жойини кўздан кечириш эътибордан четда қолдириб бўлмайдиган тергов ҳаракати бўлиб, унинг мақсади жиноят изларини, юз берган ходисанинг характерини

20-May, 2025-yil

ва иш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлашдан иборат. Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг вазифаларини самарали ҳал этиш амалий изшунослик субъектлари – мутахассис-криминалистларни ушбу тергов тадбирни батафсил, тўла ва махсус билимларга асосланган тарзда ўтказишига боғлиқдир.

Ички ишлар органлари амалиётида махсус техник-криминалистик билимлар ва малакаларни чуқур эгаллаган шахс, яъни ходиса жойини кўздан кечириш жараёнини самарали олиб борадиган шахс сифатида Ўзбекистон Республикаси ИИБ эксперт-криминалистик хизматларнинг эксперт-криминалистлари майдонга чақирилади. Мутахассиснинг иш фаолиятини ўзига хослигига боғлиқ равишда, унинг билимлари терговчи ёки суриштирувчининг билимларидан фарқли ўларок, криминалистик билимларнинг умумий ва хусусий назариясидан иборат бўлган криминалистик техниканинг назарий асосларини чуқур билишга, изларни аниқлаш, қайд этиш ва олиш бўйича воситалар, усуллар ва методларни қўллаш тажрибаларини малакали равишда эгаллаш билан боғлиқдир. Асосан ана шу сабабга кўра махсус техник-криминалистик билимларни қўллашнинг ходиса жойини кўздан кечиришда мутахассис-криминалистнинг иштироки кўринишидаги шакли ички ишлар органлари амалиётида жуда кенг тарқалган. Жиноят-процессуал Кодекснинг 136-моддасида белгиланганидек, ходиса жойини кўздан кечиришга мутахассислар жалб этилиши мумкин бўлса-да, жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий амалиётида ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика хизматлари ходимлари деярли барча ҳолларда ходиса жойини кўздан кечириш тергов ҳаракатида иштирок этадилар. Бинобарин, ўта оғир ва оғир жинятлар содир этилган жойларни кўздан кечиришда эксперт-мутахассисларнинг иштироки мажбурийдир. ИИБ тизимидаги эксперт-криминалистик хизматлар ходимларининг бу каби кенг тарза иштирок этишларида ушбу хизматнинг жойларда кенг тармоқли бўлим ва бўлинмалари, шунингдек улардаги иш фаолиятини аниқ ташкил этиш имкон яратади. Ҳодиса жойини кўздан кечиришда эксперт-криминалистнинг иштироки ички ишлар органлари эксперт-криминалистик хизматларининг фаолияти бўйича Йўриқноманинг 2.1.1.-2.1.10 ва 2.2.1.-2.2.14-моддалари бўйича мувофиқлаштирилади.

Мутахассис-криминалистнинг ходиса жойини кўздан кечиришда иштироки махсус техник-криминалистик билимларни қўллашнинг процесуал шакли бўлгани учун, бу иштирокнинг ташкилий тартиби ҳам жиноят-процессуал қонунчиликка қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилади. Қонунчиликда мутахассис-криминалистнинг ходиса жойини кўзда кечиришда иштирокини махсус белгиланмаган. Қонунчиликда ходиса жойини кўздан кечиришда ҳар қандай мутахассиснинг иштирокининг процесуал мақоми ва жалб этилиш тартиби белгиланган. Бинобарин, мутахассис-криминалист ўзининг ушбу тадбирдаги иштироки жараёнида мутахассиснинг умуман ходиса жойини кўздан кечиришига боғлиқ бўлган ҳуқуқнинг барча нормаларига риоя этиши лозим. Мутахассиснинг мақоми ва унинг ходиса жойини кўздан кечиришда иштирокини асосни белгиловчи

20-May, 2025-yil

хуқуқнинг ушбу нормалари ЖПК нинг 69, 70, 78, 91, 135-138 – моддаларида белгиланган.[2]

Мутахассис ходиса жойини кўздан кечиришда бир қанча ҳаракатларни амалга ошириши лозим. Биринчи навбатда, у қайерда ва қандай жиноятлар бўйича белгиланган ҳаракатларни амалга ошириш керак эканлигини билиши лозим. Масалан, оғрилиқ жинояти бўйича мутахассис биринчи навбада уйга кириш эшигидан жиноят изларини излаши лозим, агар жиноятчи ойнадан хонадонга кирган бўлса, изларни ойна ва унинг атрофидан излаш лозим ҳисобланади. Жиноят очиқ майдонда содир этилган бўлса, майдон атрофидан, агар у майдонда ишга оид далиллар топилмаса майдонни кўпайтириш лозим.[3]

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир мутахассиснинг ходиса жойини кўздан кечириш бўйича ўзининг тактикаси мавжуд. Ва бу тактикани амалга ошириш, аввало ўзига боғлиқ ҳисобланади, чунки мутахассиснинг билим даражаси қанчалик юқори бўлса, кўздан кечириш ҳечқандай муоммосиз амалга оширилади, агар билим даражаси паст бўлса, кўздан кечириш тергов ҳаракати камчиликлар билан амалга оширилади, бу эса кейинчалик салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1) Ўзбекистон Республикаси “Жиноят - процессуал кодекси”.
- 2) “Ходиса жойини кўздан кечириш” дарслик Носиров. У. М. Тошкент 2014.
- 3) Белкин Р.С. Курс криминалистики. - М., 1988, т. 2. - 302 б.